



“22” 07 2020 у. № 01-06/1785 **Оммавий ахборот воситалари,
ташқи реклама объектлари
(конструкциялари эгалари),
реклама агентликлари**

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Юртимизда коронавирус инфекцияси кенг тарқалишига қарши курашиш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шулардан асосийси, бу шахсий гигиена қоидаларига қатъий амал қилишдир. Бундай вазиятда уларнинг уй шароитида ва масофадан туриб турли маҳсулот (иш, хизмат)лардан фойдаланишга бўлган талаби ортиб бормоқда.

Ўз навбатида, ушбу жараёнда интернет ва ижтимоий тармоқларда антисептик воситалар савдоси ва бошқа шу каби маҳсулотлар рекламалари кўпайган.

Улар таҳлил қилинганда турли зарарли микроб ва вирусларни йўқ қилишда бирламчи ёрдам воситаси сифатида қўлланиладиган қўл учун антисептик воситалар рекламасида – “бактерияларни 99,9 фоиз йўқ қилади”, “антибактериальное”, “универсальный спрей АНТИСЕПТИЧЕСКИ, уничтожает бактерии 99,9%”, “Антисептик убивает 99,9% микробов”, “эффективно очищает кожу рук от бактерий на 99,9%”, “Антисептик 99,9% вирус, бактерия ва микробларни ўлдиради”, “защита на 99,9%” ва бошқа шу каби бўрттирувчи ва истеъмолчиларни чалғитувчи иборалардан фойдаланилмоқда ҳамда бу ҳолатлар ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиларининг ҳам эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Ноаниқлиги, икки хил маънони аниқлаштириш, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган реклама **нотўғри** (инсофсиз, билатуриб ёлғон) реклама ҳисобланади ҳамда бундай **реклама тақиқланади**.

Юқоридагиларни инобатга олиб коронавирус пандемияси даврида **реклама берувчи ва тарқатувчилар** томонидан қонунийлик, аниқлик, ишончлилиқ тамоийилларига қатъий амал қилишлари ҳамда рекламадан фойдаланувчиларга зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланган ҳолда фаолият юритишлари ва энг асосийси истеъмолчиларни чалғитадиган ёлғон ёки ноаниқ маълумотларни реклама воситаларида тарқатмасликлари сўралади.

Директор

Э.Хайтметов